

## ЎСМИРЛИК ДАВРИДА АГРЕССИВ ХУЛҚНИ ПСИХОЛОГИК КОРРЕКЦИЯ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

**Қаршибоева Гулноза Абдуқодировна**

психол. фан.фал. док., дотц.

Жиззах давлат педагогика университети

**Наҳалбоева Нигора**

педагогика ва психология факултети магистранти

Жиззах давлат педагогика университети

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ўсмирлик даврида агрессив хулқни психологик коррекция қилиш омиллари ҳақида сўз юритилиб, унда ўсмирлик агрессиясини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш, уларнинг эмоционал кечинмалари, ҳисларини тушуниш, улар билан олиб бориладиган психологик коррекция имкониятларини белгилаш имкониятлари ёритилган.

**Калит сўзлари:** Ўсмирлик, агрессия, сабабларни аниқлаш, эмоционал кечинма, ҳис, психологик коррекция, имкониятлар.

Одатда ҳар бир соҳанинг ўз устаси бўлади. Инсон қалбининг устаси эса психологлар ҳисобланади. Педагогларнинг яқин ёрдамчиси, болалар қалби ва руҳиятига йўл топа оладиган кишилар - психологларга бўлган эҳтиёж ҳозирги кунда таълим-тарбия соҳасида ортиб бормоқда. Бу борада халқ таълими тизимида амалиётчи психологларнинг фаолият кўрсатишлари таълим мазмуни ва сифатини оширишда катта аҳамият касб этмоқда джеиш мумкин.

Ўқувчи билан жамоа фикрининг мос келмаслиги унинг жамоа ичида ўз ўрнини борган сари йўқотиб боришига сабаб бўлади. Унутмаслик керакки, ўсмирнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати у билан ҳисоблашиш кераклигидан бошқа нарса эмас. Шунинг учун жамоа аъзолари бундай ўсмирнинг қарашларини вақти-вақтида ҳисобга олишлари яхши натижа беради.

Ўқишдан ва жамоадан юз ўгирган ўсмир ўз келажагини, орзў-умидларини мактаб ва жамоа фаолиятига боғлашдан кўра, янги улфатлари билан алоқа қилишни афзал кўради ва бошқа кишилардан нажот излайди. Натижада ўсмир носоғлом хулқли болалар тўдасига тушиб қолади ва улар хулқ-атвориға хос бўлган характерга эга бўлади.

Оилавий шароитнинг салбий таъсири ҳам тарбияси оғир ўсмирларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Айрим оилаларда бола учун зарурий имкониятлар мавжуд эмаслиги сабабли у нохуш ҳолат билан ёлғиз кураш олиб бориш кечинмалари билан яшайди. Ўсмир дунёсида оилавий шароитга нисбатан пайдо бўлган норозилик ҳисси кундан-кун авж олиб, ички кўзғолонга айланиб боради.

Бундан ташқари ота-она ўртасидаги муносабатларнинг носоғломлиги, баъзи ота-оналарнинг спиртли ичимликларга рўжу қўйишлари ҳам ўсмирнинг руҳий дунёсига салбий таъсир кўрсатади.

Кузатишларимиздан маълум бўлишича, кўпинча ўқувчилардаги хулқ оғиши оиладаги ва таълим тизимидаги педагогик қаровсизлик натижасида юзага келади. Педагогик қаровсизлик қуйидаги даражаларда тавсифланади:

1. Паст. Ҳатти-ҳаракат, хулқ-атвордаги беқарорлик. Ўз “мен”ига ортиқча баҳо бериш. Асосан ёшига хос бўлган характер белгиларнинг устунлик қилиши.

2. Ўрта. Катталар ва тенқурлари билан алоқанинг бузилиши. Ўқиш ва меҳнатга қизиқмаслик, низолар эгоистик йўналишга асосланиши. Педагогик таъсир чоралари тўғри қабул қилинади, лекин унга амал қилмайдилар.

3. Юқори. Салбий характер хусусиятлари яққол намоён бўлади. Ҳуқуқбузарлик ошқора қилинади. Катталар билан ўзаро муносабатда тажовузкор бўлади. Ўзлари тўғри деб қабул қилган “ахлоқ”ларини оқлашга уринадилар. Улар ҳуқуқбузарлик чегараларини тушуниб етмайдилар.

4. Криминал. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар бўлиб, уларнинг хулқ-атворини бошқариб бўлмайди. Бундайлар ҳар қандай тарбия воситаларига қаршилик кўрсатадилар. Ҳатти-ҳаракатларида тажоввузкорлик кўпроқ учрайди. Улар ўзларининг ҳуқуқбузарлик мотивларини ўзлари белгилаган “ахлоқий меъёр”лар билан ўлчайдилар, натижада жиноятга қўл урадилар.

Маълумки бирор бир ижтимоий ва биологик ҳодисанинг содир этилиши учун қандайдир бир сабаб ва шароит бўлишлик талаб этилади. Қандайдир бир сабаб иккинчи бир ҳодисанинг юзага келишига тўртки бўлади. Бу фалсафий нуқтаи назардан қаралганда сабабий боғланишлар жараёни тарзида тушунтирилади. Худди шундай хулқ оғишининг келиб чиқиши ҳам қандайдир сабабий боғланишга боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Объектив сабаблар сифатида жамиятдаги носоғлом муҳит, шарт-шароит, иқтисодий ва сиёсий беқарорлик, кичик ижтимоий гуруҳлардаги ижтимоий-психологик муҳит, кишилар билан бўладиган узаро шахслараро муносабатлар намоён бўлади.

Маълумки, инсон ижтимоий муносабатлар қуршовида яшайди. Ижтимоий муносабатлар ва жараёнларнинг шахсга таъсири масаласи ижобий ёки салбий кўринишда бўлиши мумкин. Индивидга ижтимоий жараёнларнинг ижобий ёки

салбий таъсир этиши биринчидан, шахснинг индивидуал - психологик хусусиятларига боғлиқ бўлса, иккинчидан ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисалари хусусиятлари ва шарт - шароитлари мазмунига кўра намоён бўлади. Яъни ижтимоий муҳитнинг соғлом ёки носоғломлиги ва унинг таъсирчанлик даражасига кўра, индивидга у ёки бу кўринишда таъсир этади ва жиноятчилик хулқининг келиб чиқиши учун қандайдир маънода имконият яратади.

Шахс хулқ-атворидаги бузулиш ижтимоий муҳитнинг ўзига хос жиҳатлари, яъни соғлом ва носоғломлигига, индивиднинг феъл-атвори, характер хусусиятлари, ижтимоий меъёрлар ва шахс ўртасидаги зиддиятлар ҳамда уларнинг зўрайиб бориши кабиларга боғлиқ бўлади. Шахснинг дунёқараши, яъни қадриятлар ориентацияси, ижтимоийлашуви ва индивидуал ҳиссиётларининг ижобий тарзда шаклланиши ва намоён бўлиши кишини жамият ва инсоният учун фойдали бўлган ҳатти-ҳаракатларга ундайди.

Шуни унутмаслик керакки, ташқи муҳит ёки ижтимоий воқеа-ҳодисалар ҳар доим ҳам хулқ оғишининг келиб чиқиши учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Қачонки, ижтимоий воқеа-ҳодисалар ва индивид ўртасида қарама-қаршилик ва зиддиятлар юзага келса, жамиятда ҳукм сураётган ижтимоий нормалар индивид томонидан қабул қилинмаса ҳамда ижтимоий муҳитда хулқ оғишининг келиб чиқиши учун етарли шарт-шароит мавжуд бўлса, хулқ оғиши келиб чиқиши мумкин. Тадқиқотчи К.Е.Игошевнинг таъкидлашича, “болалар ва ўсмирлар айниқса ўсмир ва ўспиринларнинг ёш ва ўтиш даври хусусиятлари импульсивлик, кўзгалувчанлик ҳолатининг юзага келишига сабаб бўлади. Импульсив хатти-ҳаракат биринчи навбатда ўзига хос аффектив кечинмалар туфайли юзага келадиган аффектив ҳолатни ифодалайди. Бундай ҳолат мазмунида қисқа муддатли ва кучайиб борувчи эмоционал ҳиссиётлар ётади”.

Ҳақиқатдан ҳам ўсмирлик ёши даврида кечадиган психофизиологик ўзгаришлар, ўсмирнинг шахс сифатида шаклланиш жараёни муаммоли вазиятларда уларнинг мақбул қарорлар қабул қилишларига тўсқинлик қилади. Бунинг боиси бош мия ярим шарлари фаолиятидаги назорат органларининг катталарниқидан сустлиги ва иккинчи сигнал системасининг ўзига хос фаолияти болалар ва ўсмирларда жиноятчилик хулқининг келиб чиқишига индивидуал-психологик жиҳатдан шарт-шароит яратади. Шунингдек, улардаги тормозланиш реакциясининг нотўрғунлиги жиний ҳаракатларни амалга оширишда ўз хатти-ҳаракатларини идора қила олмай қолишга сабаб бўлади.

Ғ.Б.Шоумаров фикрига кўра, ўсмирлик даврининг оғир, мураккаб давр эканлиги кўплаб психологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Бу даврда ривожланишнинг барча жиҳатлари: жисмоний, ақлий, ахлоқий, ижтимоий ва шу кабиларнинг мазмун-моҳияти ҳам ўзгаради. Бу даврда ўсмир

хаёти, руҳияти, организмнинг физиологик жараёнлари, унинг ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Аксарият вазиятларда уларда бири-бирига қарама-қарши бўлган турли хил ҳолатлар кузатилади. Ўсмирларда агрессивликнинг шаклланишига қатор шахс хусусиятлари таъсир қилади: - тарбиянинг мувозанатлашмаган шакллари:

- ўз-ўзига ҳаддан зиёд паст баҳо бериш, юқори даражада импульсивлик, спиртли ичимлик ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш, компьютер ўйинларига тобелик, таваккалчиликка тайёрлик ҳолатлари, ўзўзини ҳимоя қилиш ҳисларининг чегараланганлиги;

- хулқий омиллар: ўз вақтини мақсадсиз ўтказиш, мактабдаги дарсларни сабабсиз қолдириш, ўзлаштириш даражасининг пастлиги, эрта жинсий алоқаларга киришиш ва ҳоказо;

- ижтимоий омиллар (ОАВнинг психологик таъсири, жамиятдаги удум ва маросимлар, ота-онанинг хулқий бузилишларга эга эканлиги, оила ижтимоий мавқеининг пастлиги, тарбиячиларнинг ўзгариши (ўғай ота, ўғай она ва ҳоказо);

- ўсмирнинг хулқий оғишлар шаклланган дўстлар билан яқин ижтимоий алоқаларни ўрнатиши (тақлид феномени);

- ички оилавий низолар (ота-онанинг ажрашиши, иккинчи никоҳдаги фарзандлар, ўсмирнинг ўзлаштиришига ота-она томонидан ўсмир қобилиятлари, қизиқишлари инобатга олинмаган ҳолда ҳаддан зиёд юқори талабларнинг қўйилиши.

Агар ўсмирнинг оила аъзолари мунтазам тарзда ўзаро низолар, бақириқлар орқали таъсир ўтказиш асосида муаммоларини ҳал этишга ўрганган бўлсалар, бошқа ижтимоий вазиятда ўсмир айнан ўзини шундай тутишга интилади;

- шахсий муаммолар (физиологик ва психологик характердаги муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи ўсмирларда жинсий ривожланиш хусусиятлари – пубертат даври хусусиятларининг намоён бўлиши);

- ўзининг ташқи кўринишидан норози бўлиш – «Герзит комплекси» (катталар томонидан ноадекват идрок қилиниши). Ўсмир ўзини катталардек ҳис этишида унга болалар каби муносабатда бўлиш ёқмайди;

- ўсмирдаги тафаккурнинг танқидийлиги – катталар ҳатти-ҳаракатига нисбатан шубҳа билан қараш, уларда ўрнатилган ахлоқий меъёрларга нисбатан эътироз ҳисларининг шаклланишига олиб келади;

- ўсмирга нисбатан маълум бир ижтимоий тамғаларнинг босилиши (ўқитувчилар томонидан ўсмирнинг ўзлаштира олмаслиги, тарбиясизлиги, у билан гаплашиш бефойдалигини таъкидлаш);

- ижтимоий омиллар (жамиятда муаммоларни куч ишлатиш орқали ҳал этилиши ҳақидаги ғоясининг ўрнатилганлиги, мактаблардаги ўқув синфларнинг ҳаддан зиёд тўлаллиги, мактабдан ҳаддан зиёд чарчаш, асабийлашиш).

Ўсмирлик агрессиясини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш, уларнинг эмоционал кечинмалари, ҳисларини тушуниш, улар билан олиб бориладиган психологик коррекция имкониятларини белгилаш имконини беради. Ўсмирга низоли вазиятларда бошқача усуллар билан ҳал этиш имкониятларини тушунтириб бера олиш зарур. Ўсмирларда агрессия ҳолатлари намоён бўлганда психологлар билан маслаҳатлашиш, улар билан ўтказиладиган тарбиявий жараёнда ўзларининг ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни талаб қилади. Шунинг учун керакки, агрессив хулқ, аввало, ўсмирлардаги салбий эмоционал ҳолатлар таъсирида шаклланади. Шунинг учун катталар, аввало, ўзларидаги салбий эмоционал ҳолатларни бошқара олишлари зарур. Бу билан ўсмирга инсоннинг ўзини-ўзи бошқара олиши кўп ҳолларда ижтимоий вазиятни яхшилашнинг энг мақбул усули эканлигига ўрнатилган кўрсаткичлар.

Низоли вазият ҳал этилганда жазоланиш ҳам тугайди. Бундан кейин ўсмирга қилган хатоларини таъкидлаш асло мумкин эмас. Ўсмир агрессиясини бартараф этишнинг энг мақбул усули катталарнинг ўз-ўзларини бошқара олишлари, сабр-тоқат билан ўсмирга мақбул йўллари кўрсата билишларига боғлиқ. Бундай ҳолатларда биргаликда бирор-бир фаолиятни бажариш тавсия этилади.

Агар ўсмир ҳатти-ҳаракатлари атрофдагилар ҳаёти ва саломатлиги учун жиддий хавф туғдирса, у муайян бир давр ичида ўзгаришларга мойиллик билдирмаса, психиатрга мурожаат этиш зарур. Чунки бу ҳолатларда бош миядаги ўзгаришлар натижасида агрессия ўзини-ўзи назорат қилишнинг йўқолиши синдромининг оқибати сифатида юзага келган бўлиб, жамият учун хавф туғдириши мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Агрессия в подростковом возрасте. – Санкт-Петербург, «Питер», 2007.
2. Бандура А., Уолтерс Р. Подростковая агрессия. Изучение влияния воспитания и семейных отношений. / Перевод с англ. – М.: «Апрель Пресс», 1999.
3. Бэрн Р., Ричардсон Д. Агрессия. / Пер. с англ. С.Меленевская, Д.Викторова, С.Шпак. – Санкт-Петербург: «Питер», 2001. –С. 142, 147.
4. Берковиц Л. Агрессия и агрессивное поведение. – Воронеж: «Научная книга», 2004. –С. 80.
5. Бэрн Р., Ричардсон Д. Психология человеческой агрессии. – М.: «Вузовская книга», 2001. –С. 71, 72.
6. Змановская Е.В. Девиантология: (Психология отклоняющегося поведения). – Санкт-Петербург: «Питер», 2011. –С. 71.